

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 18 май, Душанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 98 (11.409)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунли
Янгиликлар, воқеалар

Транспорт

МАҚСАД — НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Касба сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Касаба уюшмалари федерациясининг IV пленуми бўлиб ўтди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мактабга таълим муассасалари тарбиячилари, педагоглари иштирокида уюштирилган кўрик-танлов «Йил тарбиячиси-2009» деб номланди.

● **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ўтказилган анжуман қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланишда замонавий технологияларнинг аҳамиятига бағишланди.

● **МИРОБОД** туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий-музика кеча «Тошкент — пойтахтимнинг» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ва пойтахт вилояти Адлия бошқармалари ҳамкорликларида ҳуқуқшунослар иштирокида маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ривожлантиришда қонун устуворлигини таъминлаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтига одам савдосига қарши кураш масаласига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок эттиди.

● **СОБИР** Рахимов туманида Халқаро оила кунини муносабати билан она ва бола саломатлигини ҳимоя қилишнинг муҳим омилларига бағишлаб ўтказилган тадбир туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ва «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч маскани ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Ҳамза туманидаги Тошкент темирйўл касб-хунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Тошкентим — гўзал пойтахтим» мавзусида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури асим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

● **161-МАКТАБДА** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «ОИТСсиз соғлом турмуш тарзи» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

Бугунги кунда пойтахтимизда жамоат транспорти ишини такомиллаштириш, йўловчиларга намунали ва сифатли хизматни ташкил этиш борасида режалар ишлаб амалга оширилмоқда. Бу, албатта, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари узоғини яқин қилиш, уларни ўз вақтида ҳамда беҳатар манзилларига етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Пойтахтимизнинг Собир Рахимов туманида жойлашган ва ўз йўналишлари билан йўловчиларни шахримизнинг барча ҳудудларига етказишга муносиб ҳисса қўшаётган «Чуқурсой автокорхонаси» акциядорлик жамиятида ҳам ҳар кун эрта тонгдан ҳаёт қайнайдиган. Техник жиҳатдан шай, санитария ҳолатлари назоратдан ўтган 46 та «ОТАЙЎЛ» русумли автобусларни бошқараётган моҳир ҳайдовчилар хизматга отланишди. Уларнинг мақсадлари йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиб, кўзлаган манзилларига беҳатар етказиш, кундалик, ойлик режаларни муваффақиятли уйдлаб корхона ютуқларига муносиб ҳисса қўшишдир.

— 1995 йилдан буён акционерлик жамияти сифатида фаолият кўрсатаялмиз, — дейди автокорхона директори Баҳодир Султонов. — Ҳозирда жамиятнинг 15 фоиз акциялари ишчи-хизматчиларимиз қўлида. Албатта, мулк шаклини ўзгартирганимиздан сўнг жамоамиз аҳлининг мулкка муносабатлари ижобий ўзгарди, масъулиятлари кучайди. Шу боис ҳам йилдан йилга режа-топшириқларини муваффақиятли уйдлаш учун имкониятлардан самарали фойдаланялмиз.

Жорий йилнинг биринчи чорагини 107 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган автокорхона жамоаси яқини кўрсаткичлар билан яқунлашди. Йўловчилар ташвиш ҳажми нафақат автокорхонада, балки унинг «Такси-голдсервис», «Чуқурсой-



транссервис» сингари шўба корхоналарида ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,8 фоизга ўсди. Ялпи даромад 102,7 фоизни ташкил этди.

Хизмат сифатини ошириш мақсадида автокорхона мутасаддилари жорий йилда Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «ИСУЗУ» маркали микроавтобуслардан 20 тасини келтиришни ва йўналишлардаги техника воситаларини янгилашни режалаштиришган. Шунингдек, автокорхона тасарруфидаги шўба корхоналари учун 12 та «MATIZ» автобиллар олинди. Ушбу энгил таксилар йўловчилар вақтини тежаб, узоғини яқин қилади. Албатта, энг азиз ва энг улуг шодиёна Муस्ताқиллик кунини ва асим Тошкентимизнинг 2200 йиллиги тантаналарига бу эзу ишлар амалга оширилади.

Корхонада автоуловларнинг техник соғлиғига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада корхонада меҳнат қилаётган тажрибали механик ҳамда уста чилангарларнинг ҳиссалари катта. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонада ўз жамоасидан ташқари яна 4 та масъулият чекланган жамиятига Техник соғлиқ, йўналиш олдидан тиббий кўрик ҳамда санитария ҳолатини текшириш

бўйича хизматлар кўрсатилмоқда. Шунингдек, корхонанинг ўз ёқлиги қўйиш шохобчаси мавжудлиги ҳам ҳайдовчиларга алоҳида қўлайликдир.

Жамоа ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган эътибор ҳам ишдаги сифатни таъминлаб, суръатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, соғлиқларини тиклашлари учун имкониятга қараб моддий ёрдам ажратилмоқда. Буларнинг барчаси жамоа аҳли кайфиятини кўтариб, баракали меҳнатга ундаши, шубҳасиз.

Жорий йилда қўзланган мақсадларга эришиш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланаётган транспортчилар йўловчи ташвиш ҳажминини ошириш, хавф-хатарсиз ишлаш, хизмат сифатини кўтариш йўлида саъй-ҳаракатни бўшаштирмаликка аҳд қилишган.

Шарофат БАҲРОМОВА
СУРАТЛАРДА: корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ҳамжиҳатлик билан ютуқларни кўзлашмоқда.

Ҳакимжон Солиқов олган суратлар

Фармон ва ижро

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Пойтахтимизда «Ўзбекистон аёли тараққиёт билан ҳамнафас» мавзусида семинар-кўргазма бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси ва БМТнинг Ривожланиш дастури ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари С.Холбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси ўринбосари Ш.Умарова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масалалари кўмитаси аъзоси С.Одилхўжаева, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини таъминлаш, уларнинг мавқеини тобора юксалтириш, оила, оналик ва болаликни муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий соҳалардаги салоҳиятини тўлақонли намоён этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда уларга зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, хотин-

қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилаётди. Тиббиёт масканлари - она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш, шифо масканлари, поликлиникаларнинг фойдаланишга топширилиши, уларнинг замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланаётгани бунинг ёркин далилидир.

Фармонга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вило-

ятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳалларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса, ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Хотин-қизларни, айниқса, чекка ҳудудларда яшовчи аёлларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорлик-

ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида бундан эзгу ва хайрли юмушлар қўламини янада кенгайтиди.

Семинарда «Жамият ривожидида аёлларнинг роли: ютуқлар, вазифалар ва истикболдаги режалар», «Ўзбекистон хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки», «Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қонуний ва ҳуқуқий ҳужжатлар», «Қишлоқ аёлларининг маданий ҳаётини юксалтиришда раҳбар аёлларнинг тўтган ўрни» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Юртимизда аёлларнинг давлат ва жамият ривожидида тўтган ўрни тасвирий санъат асарларида акс эттирилган бадий кўргазма ҳам ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муҳофазаси ҳуқуқий асосларининг ўзига хос жиҳатлари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан ўтказилган анжуман мамлакатимиз Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асаридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг сайёр йиғилишида мазкур кўмитанинг «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси тизимидаги корхоналарда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 2008 йил 13 июндаги қарорининг бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

● Қаршида давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари ҳамда 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурини ўрганиш ва унинг бажарилишига кўмаклашиш бўйича касаба уюшмаларининг вазифаларига бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.

● Тошкентда «Соғлом оила — юрт таянчи» шиори остида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» оилавий спорт мусобақалари ўтказилди. Халқаро Оила кунини муносабати билан ташкил этилган мазкур беллашувда мусобақанинг туман bosқичида голиб бўлган 11 нафар оила ўзаро кураш олиб борди.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда «Камолот» ЕИХ шаҳар бўлимлари «Олмалик кон-металлургия комбинати» билан ҳамкорликда «Ёшларимиз — келажакимиз, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир!» шиори остида ёшлар фестивалини ўтказди.

● «Ҳамшира — 2009» республика кўрик-танловининг Наманган вилояти bosқичида етти нафар тиббиёт ходими ўзининг касбий билими, малака ва маҳоратини синовдан ўтказди.

● Бухоро шаҳрида бир гуруҳ таниқли доирачилар хотирасини ёд этиш мақсадида «Зарб — 2009» вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Фарғона туманидаги «Матлуботсавдо» МЧЖ аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида янги савдо нуқталарини очмоқда. Жумладан, Миндон ва Гулшан қишлоқларида замонавий совутиш савдо анжомлари билан жиҳозланган мини-маркетлар ўз эшикларини очди. Жорий йилда худди шундай дўконлар Водил, Каптархона, Хонқиз ва Чимён қишлоқларида ҳам бунёд этилади.

ЖАҲОНДА

● Литва Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра 95 фоиз овозлар ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг мамлакатда ўтказилган президент сайловларида 69 фоиз овоз тўплаган Д.Грибаускайте голиб чиққан. Сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 61 фоиз аҳоли қатнашганлиги таъкидланади.

● Коҳирада бўлиб ўтган музокаралар давомидида Фаластин мухториятининг ФАТХ ва ХАМАС ҳаракатлари ҳамкорликдаги ҳавфсизлик кучларини тузишга келишиб олдилар.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра кураш заминининг 39 та мамлакатидида А/Н1Н1 вирусига чалинганлар сони 8480 кишига етган. Биргина Япониянинг ўзида янги грипп билан хасталанганлар сони 96 нафарга етди. Шу муносабат билан мамлакатнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган мактаблар ва кинотеатрлар ёпилди.

● АКШ Конгресси давлат дастурлари доирасида молиялаштирилган қатор лойиҳалар учун 96,7 миллиард доллар ажратишга қарор қилди. Ушбу маблағнинг 70 миллиард доллардан кўпроги Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларни молиялаштиришга йўналтирилади.

● «Евровидение-2009» халқаро кўшиқлар фестивалида келиб чиқиши беларусиялик бўлган Норвегия вакили Александр Рибак галаба қозонди. Таъкидлаш жоизки, А.Рибак ушбу нуфузли фестиваллар тарихида энг кўп — 387 та овоз тўплашга муваффақ бўлди ва ўзига хос рекорд ўрнатди.

● «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» айирмачилари Шри-Ланкада давом этган кўп йиллик фуқаролик урушида мағлуб бўлганлигини бўйнига олди. Демак, ушбу мамлакатда ҳам тез орада тинчлик ҳукми суради-ган бўлди. Айтиш керакки, айирмачиларнинг ҳукумат кучлари билан 25 йил давомида олиб борган ҳарбий ҳаракатлари натижасида 80 мингдан ортиқ тинч аҳоли ҳаётдан кўз юмган.

● Норвегияда Конституция кунини миллий байрами нишонланди.

● Кеча АКШнинг НАСА астронавтилари «Хаббл» телескопини таъмирлаш учун тўртинчи бор очиқ космосга чиқдилар.

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: ИСТИҚБОЛ ВА РЕЖАЛАР

Ширкат — ибрат

КИЧИК «ВАТАН» ДАГИ САМАРАЛИ ИШЛАР


Мамлакатимизда уй-жой коммунал соҳасидаги ислохотлар ҳам бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар самараси аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатишда, соҳа ривожини таъминлаш учун замонавий технологияларни жорий этишда, халқимиз турмуш фаровонлигида яққол аксини топмоқда. Айниқса, кейинги йилларда қаратилган катта эътибор боис кўп қаватли уйларимизнинг чирой очаётгани, хонадон эгаларига яратилаётган қулайликлар, ободонлаштириш ишлари бунинг ёрқин исботидир.

Учтепа туманидаги исми жисмига мос «Ватан» маҳалласи 24 та кўп қаватли уйдан ташкил топган бўлиб, хонадонларда 40 милла- лат вакилларида иборат 6350 нафар аҳоли истиқомат қилади. Албатта, кўп қаватли уйларни ўзига бирлаштирган мазкур ма- халлада аввало яшовчилар ҳам- жиҳатлигига, уларга ҳар томонла- ма қулайликлар яратишга, турар жой биноларини сақлаш, атрофини ободонлаштиришга катта эъти- бор қаратилади. Бу ишларнинг барчасида мулкдорлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзолари фаоллигини оширишга қаратилган эътибор яқши самара бермоқда.

Кўп қаватли турар жой би- нолиридан иборат маҳалланинг ўзига хос жиҳатлари бор, — дей- ди маҳалла фуқаролар йиғини ра- иси Мамлакат Юсупова. — Бу ерда ҳар бир хонадон эгаси мулк- дорлик ҳиссини англаши, умумий мулкни сақлашга ҳисса қўйиши, ўзи ва кўни-қўшинига қулайлик яратиш, сифатли хизмат- га эга бўлиш учун барча комму- нал тўловларни вақтида бажари- ш лозим бўлади. Ҳеч ким бу иш- дан четда турмас, шубҳасиз я- шаш жойларимиз оқибатда, хизмат- лар ҳам беминат бўлади. Биз ўз фаолиятимиз давомида ана шун- га эришишга интилаёмиз. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ту- шунтириш ишларимиз натижалари худудимиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аъзола- ри фаолликларини оширишда, «Менинг уйим — менинг мулким» шиориши уларнинг онгига синг- диришда аксини топмоқда.

Айтиш жоизки, маҳалла худу- дида 6 та хусусий уй-жой мулк- дорлари ширкати фаолият кўра- тиб, уларга бириктирилган уйлар- да 1994 та хонадон аҳли истиқо-

мат қилади. Кейинги йилларда ҳар бир ширкатда режа асосида таъ- мирлаш, ободонлаштириш ишла- ри бажариб келинмоқда. Жумла- дан, уйларнинг жами 144 та ки- риш йўлидан 134 тасига темир эшиклар ўрнатилган, айни кун- ларда эса қолган 10 та кириш йўлига темир эшиклар ўрнатиш



ишлари амалга оширилмоқда. Уй- лар атрофи талаб даражасида обо- донлаштирилиб, ўзбошимча ва ноқонуний қурилмалар олиб таш- ланди ҳамда ҳозирги кунда бу бо- радаги ишлар жадал олиб бори- ляпти. 700 туп мевали ва игна баргли нихоллар экилди, 2000 тупдан зиёд гул кўчатлари ўтқа- зилди. Айни дамда эса Тошкент- ни гуллар шахрига айлантириш ташаббусини қўллаб-қувватлаган маҳалладошлар гул кўчатлари со- нини 30 мингга етказиб гулдан бог яратиш, маҳаллани обод ва гулзор этиш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Нафақат, турар жой бинолари, балки маҳалла худуди- да жойлашган богча, мактаб ва бошқа саудо, хизмат кўрсатиш шохобчалари ён-атрофлари ҳам гулзорга айлантирилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ра-

ис, айниқса, пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйи арафасида амалга оширилиши кўзда тутил- ган ишлар сирасига алоҳида тўхта- либ ўтди. Уйларнинг фасад қис- мини таъмирлаш, 4 та болалар майдончасини бунёд этиш, кириш йўлакларини жорий таъмирлаш ана шулар жумласига киради. Шу-

рингдек, мактаб ҳамда богча му- тасаддилари билан ҳамкорликда асим ва навқирон шахримизнинг тарихи ҳамда бугуни хусусида кеча ва учрашувлар ташкил этиш режалаштирилган.

Шунинг баробарида «Ёз ёпин- чининг ташлама, қишда ўзинг биласан» нақлига амал қилган ширкат раҳбарлари кейинги мав- сум тайёргарлиги ишларини уюш- қоқликда олиб боришмоқда. Бар- ча йилларда профилактика ишла- ри, босим остида ювчи муваф- фақиятли яқунлади. Эндиликда эса аниқланган носозликлар бўйи- ча жорий таъмирлаш ишлари бош- лаб юборилади. Эрта бошланган ҳаракат эса, мавсумда, албатта ўз самарасини кўрсатади. Яна бир энг муҳим юмушга алоҳида эъти- бор қаратилади. Бу уйлар тоьла- рининг таъмири бўлиб, 40-41-ту-

рар жой биноларида томлар ка- питал таъмирланади, 45-уй ертў- ласидаги канализация қувурлари- ни тубдан таъмирлаш кўзда ту- тилган.

— Мана бугун охириги уйимиз- да босим остида ювчи ишларини тугатдик, — дейди «Олий сифат коммунал» хусусий уй-жой мулк- дорлари ширкати раҳбари Альби- на Оғлеeva. — Ширкатимиздаги 8 та уйда 600 хонадон аъзолари истиқомат қилади. Уларга 11 на- фар ходим хизмат кўрсатади, уй- боши ва йўлакбошилар энг яқин кўмакчиларимиз ҳисобланади. Йил бошидаги йиғилишимизда ўтган йил ҳисоботини қилиб, кел- гуси вазифаларимизни белгилаб оламиз ва уларни режа асосида бажарамиз. Уйларимизни кўн- гилдадек ҳолда сақлашда, сифат- ли хизматни ташкил этишда оз- чилик ҳодимларимизнинг имкони- яти чегараланган бўлиб, биз бу борада мулкдорлар ёрдамига та- янамаиз ва ҳамжиҳатлигини таъмин- лашга интиламиз. Уйлаймизки, барча ишларни режа асосида у- даласак, келгуси мавсум ҳам ку- тилганидан зиёда ўтади. Майда муаммоларни эса ҳодимларимиз жойида ва вақтида ҳал этишади. Энг муҳими эса яшовчилар шир- катга ишонганида, таянишида ва ёрдан беришади.

Маҳаллада ташкил этилган бир уйдан иборат ширкатлар ҳам узини оқламақда. Ана шулардан бири «Учтепа бахтли дилқуш» ширкатини шу ўйда истиқомат қилувчи Малика Муслимова бош- қармоқда.

— 164 хонадон аҳли истиқомат қилувчи 9 қаватли уйимизда 2006 йилда алоҳида ширкат ташкил этилди, — дейди Малика Мусли- мова. — Илк акрабали чиққан вақ- тимизда муаммоларимиз анчагига етарли, қарздорлик ҳам кўп

билан келишганлик ҳужжати; — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган- лари розилиги ҳужжати.

Яна шунинг лозимки, ўтказиш тўғрисидаги қарорни ҳоким идораларига комиссия томонидан ўтказилган иш натижалари асосида, тегишли ҳуж- жатлар илова қилинган ариза ҳокимликка тақдим этилган пайтдан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларни ҳокимлик- нинг ваколатига эга ҳодимлари расмийлаштирилади.

Уларни расмийлаштирилганлик ва турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказиш тўғрисида да- лолатнома берганлик учун ваколатли орган томони- дан ҳоким қарори билан тасдиқланганидан харажат- лар қалькуляциясига қўйиш тегишли ҳақ олинади.

Шунингдек, турар жойдан яшаш учун мўлжал- ланмаган жой сифатида фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун ҳам маҳаллий бюджетга ҳақ тўлаш ло- зим бўлади.

Уйимни алмаштирмоқчиман Яшаётган хонадонимни алмаштириш нияти- даман. Шу боис ҳам қайси ҳолларда турар жойни алмаштиришга йўл қўйилмаслигини билмоқчиман.

Максуда ИНОҚОВА, Бектемир тумани Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Ко- дексининг 109-моддасида белгилаб қўйилган. Яқин мазкур моддада таъкидланишича, қуйидаги ҳоллар- да турар жойни алмаштиришга йўл қўйилмайди, агарда: — ижарага олувчига нисбатан турар жойни ижа- рага бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгар- тириш тўғрисида даъво тақдим этилган бўлса; — жиноят иши қўзғатилиши муносабати билан турар жой хатланган, яъни бошқа шахсга бериш тақиқлаб қўйилган бўлса; — алмаштириш сохта тусда бўлса; — турар жой техник носоз ҳолатда бўлиб, бузи- ладиган ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун қайта қуриладиган, ёхуд давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун бериладиган бўлса; — турар жой яшаш хоналарини қайта қуриш ёки ўзгартириш билан капитал таъмирланиши лозим бўлса; — алмаштириладиган турар жойлардан бири аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйида бўлса; — жой хизмат турар жойи ёки ётоқхона бўлса; — алмаштириш муносабати билан алмаш- та- ган тарафлардан бири уй-жой шартномалари туб- дан ёмонлашиб, бунинг оқибатида фуқаролар уй- жой шартномаларини яхшилашга мўҳтож бўлиб қо- лсалар.

Шунингдек, қўнун ҳужжатларида турар жой ал- маштирилишини ман этувчи бошқа ҳоллар назар- да тутилган бўлиши мумкин.

Шунингдек, қўнун ҳужжатларида турар жой ал- маштирилишини ман этувчи бошқа ҳоллар назар- да тутилган бўлиши мумкин.

Иқтисодиёт

ХАРИДОРЛАРИ САФИ ОРТМОҚДА

Тайёрланаётган махсулотнинг юқори сифатига ва қадоқланишига қаратилган эътибор унинг харидоргирлигини оширишда, товарга талабнинг ортиб боришида, албатта, муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ҳам Собир Раҳимов туманида фаолият кўра- таётган «Тошкент манифактура» хусусий корхонасида сифат доимо назоратда, қадоқланишига эса харидор диди ҳамда эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ёндашилади. Энг муҳими эса қадоқлаш ашёлари ҳам замонавий техноло- гик линиялар асосида корхонанинг ўзида тайёрланади.

— Бир неча йил хусусий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатган бўлсак, ўтган йилдан бошлаб хусусий корхона ташкил этишга муваффақ бўлдик, — дейди корхона бош директори Баҳром Аҳмаджонов. — Албатта, сифатли ва бозор талабига мос махсулот тайёрлашда янги, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналарнинг аҳамияти катта. Шу боис ҳам Туркия, Хитой, Россия технологик ускуналари- ни келтириб цехларни жиҳозлади. Бугунги кунда 30 нафарга яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган цех- ларимизда 90 хил соч ювчи (шапюнь) ҳамда идиш то- залаш воситалари ишлаб чиқарилаётгани бозорни тин- май ўрганаётганимиздан далolatдир. Ҳар ойда бир не- ча янги махсулот турларини тайёрлаймиз. Энг асосийси эса хилма-хил соч ювчи воситаларини тайёрлашда улар- нинг сочлар мустаҳкамлиги ва соғломлигини сақлашдаги хусусиятларига ҳам, ҳушбўй ҳидлар таратишига ҳам эъти- бор қаратамиз.

Корхонада тайёрланаётган махсулотларнинг респу- бликамиз бўйича харидорлари бўлиб, уларнинг барча тур- лари сертификатланган. Жорий йилда эса «Неон» ҳамда «Золушка» деб номланган янги махсулотлар ишлаб чи- қаришга жорий этилди.

Ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, махсулот турларини кўпайтириш мақсадида корхона мутасаддилари Италиядан янги замонавий дастгоҳ келтиришни ре- жалаштиришди. Шу асосда корхонада янги махсулот — кукунли ювчи ва тозалаш воситаси тайёрланди, хари- дорларга етказиб берилди. Шунингдек, улар ўз товар- ларини бюртмалар асосида қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиш ниятидадир.

УСТА-ШОГИРД МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Миллий ҳунармандчиликнинг ўзига хос йўналишлари асосида бетақрор буюмлар яратиб, шунинг баробарида ҳунар сир-асорларини шогирдларига ҳам қўнун билан ўргатаётган Ўқтам Шодмонқулов изланишларини давом эттирмоқда.

Ҳунарманд уста тош ва ёғоч ўймакорлиги билан шу- гулланади ҳамда чиганок ва сомон ҳам ашёларидан фой- даланиб турли буюмлар тайёрлай олади, матоларга ран- гли галтаклар асосида ишлов беради. Унинг ана шундай бир-биридан жозибали, томошабин дилига завқ баянла- шувчи санъат асарлари харидорларга манзур бўлаётган- ини, бюртмалар ортиб бораётганини алоҳида таъкид- лаш лозим.

2006 йилдан буён Ўзбекистон Бадий академиясин- нинг аъзоси бўлган ҳунарманд уста тайёрлаган махсу- лотлар тури 2008 йилда 180 га етди. У 2007-2008 йил- ларда 20 миллион сўмликдан зиёд махсулот тайёрлашга эришди.

Ўқтам Шодмонқулов ўз ҳунари силларини иқтидорли ва қизиқувчан ёшларга ўргатишга астойдил ҳаракат қи- лмоқда. Ёшларнинг халқ амалий ҳунармандчилиги йўна- лишларига, ота-боболаримиздан мерос хуналарга қизи- қиб меҳр қўйиши уни беҳад шодлантиради. Шу боис ҳам у 2004 йилдан буён «Уста-шогирд» мактабини таш- қил этди ва 40 нафар шогирдни тарбиялаб етиштирди. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги мустақил иш юри- тмоқда.

Устанинг келгусидаги режалари янада бисёр бўлиб, у ўз махсулотларини нафақат мамлакат, балки жаҳон миқ- ёсидаги кўргазмаларда намойиш этишга, миллий ҳунар- мандчиликнинг довергини оламга кенг ёйишга аҳд қил- ган. Шунинг баробарида ўзидан ёш издошлар қолди- риш мақсадида «Уста-шогирд» мактабидаги ёшлар сафи- ни янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Дилноза СОДИҚОВА

«МОҲИР ҚҮЛЛАР» МАҲОРАТИ

Халқимизда «Излаган имкон топади» деган ажойиб нақл бор. Шу боис бўлса керак юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилган имкониятлар самара бериб, уларнинг изланишлари иқтисодиётимиз ривожини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркор аёл Маъфура Қодинова бошқараётган «Мо- хир қўллар» кичик корхонаси жамоаси ҳам бозор талаб- ларидан келиб чиққан ҳолда астойдил изланишмоқда. Бунинг натижасида эса махсулотнинг харидоргир турла- ри ортиб, бюртмалар ҳам кўпайиб бормоқда.

— Тикув цехларимиз талаблар даражасидаги хоржий дастгоҳ ва машиналар билан жиҳозланган, — дейди Маъ- фура Қодинова. — Ўтган бир неча йил давомида ишчи- ларимиз сафи ортиб, ҳозирда улар 40 нафарни ташкил этмоқда. Йилдан-йилга чеварларимиз малакаси ортиб бормоқдаки, уларнинг маҳорати сифатли товарларимиз- да акс этмоқда. Корхона тадбиркорларининг асосий фа- олиятлари сирасига давлатлар байроғини тикиш киради. Бугунги кунда корхонада бюртма асосида 270 та дав- латнинг байроғи тайёрланмоқда ва ушбу махсулот бюрт- мачи талабини тўла қондиришмоқда. Шунингдек, корхона- га хоржий мамлакатлардан ҳам бюртмалар тушмоқда. Жумладан, Корей давлати фирмаларининг бюртмалари ҳам муваффақиятли удаланди. Ўзбекистондаги қўллаб қолғани ва фирмалар, Кураш ҳамда Футбол федераци- яси ҳам асосий бюртмачилар сирасидан бўлиб, тадбир- корлар ушбу мижозларнинг талаб ва тақлифларини хами- ша инобатга олишади.

Нозима АКРОМОВА

Яқинда «Ўзкоммунхизмат» агентлигида «Эстонияда кўп хонадонли уйларни сақлаш тажрибалари» мавзусида семинар ўтказилди. Ушбу тадбир республикаимиздан бир гуруҳ вазирлик, идоралар, банк ҳодимларининг Эстонияга қилган сафарларига бағишланиб, асосан ушбу давлатда уй-жой секторини амалга оширилаётган ислохотлар хусусида бўлди.

Хамкорлик

ЯХШИ ТАЖРИБАЛАР ҚЎЛ КЕЛАДИ

Семинарни кириш сўзи билан очган «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори Ўткир Холмухамедов бугунги кунда мамлакатимизда уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида алоҳида тўхта- лди.

Шундан сўнг Эстония сафарига бўлганлар сўзга чиқи- шиб, сафар таассуротлари билан йиғилганларни таништир- дилар. Улар Эстониянинг уй-жой фонди, уй-жой қонунчили- гининг ривожланиши, уй-жойни хусусийлаштириш ва бошқариш, керакли ҳолатда сақланишини таъминлаш масъулиятининг ўтказилиши, кўп квартиралли уйларни бошқариш усу- ллари, уй-жой секторини бошқариш бўйича давлат дастур- лари ва бошқа мавзуларда йиғилганларга атрофлича маъ- лумот беришди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Эстонияда уй-жой фон- дининг асосини 17.000 кўп хонадонли уйлар ташкил этиб, уларда мамлакат аҳолисининг 70 фоиздан ортиги истиқо- мат қилади. Умуман олганда, кўп хонадонли уйларда мулк- лик ҳуқуқ ва бу уйларни бошқариш билан боғлиқ бўлган Эсто- ния қонунчилиги ҳамда республикаси қонунчилиги билан ўхшаш бўлиб, асосий фарқлар шундаки, хонадон эгаси кўп хонадонли уй, ўзининг хонадони билан боғлиқ қарзлари учун жавобгар (яъни хонадон суд қарори билан қарзларни қо- лаш учун сотиб юборилиши мумкин) ва бошқалар.

Эстонияда уй-жой ислоҳоти 1992 йилда бошланган бўлиб изчил равишда 3 босқичда амалга оширилди. Ушбу давлат- да уч турдаги хонадонлар мулкдорлари бирлашмалари мав- жуд бўлиб, булар хонадон ширкати, уй-жой ширкати ва хо- надонлар эгалари бирлашмаларидир.

Ташкил этилган семинар ўзаро мулоқот тарзида ўтиб, қатнашчиларнинг саволларига савбат иштирокчилари бўлган маърузачилар батафсил жавоблар қайтариди, олган таас- суротлари билан ўртоқлашди.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзкоммунўқувташқилотчи» РҰМИИМ ва «Келажак шахри ривожини» консалтинг маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда Эстония тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ҳақида фикр-мулоҳазалар айтилди. Албатта, ушбу тажриба- ларнинг ижобий томонлари фаолиятларида қўллаш яқши самара бериши ҳақида иштирокчиларга тақлифлар билди- рилди.

(Ўз мухбиримиз)

Сўранг, жавоб берамиз

ТУРАР ЖОЙИМДАН ОФИС СИФАТИДА ФОЙДАЛАНА ОЛАМАНМИ?

Кўп қаватли турар жой биносининг биринчи қаватида шахсий хонадоним бор. Тадбиркор- лик билан шуғулланаман. Шу боис ўзимнинг шу хонадонимдан бизнес ишларимни юритиш- да офис сифатида фойдаланишим мумкин- ми? Шу ҳақда батафсил билишни истаيمان.

Бекмурод КОДИРОВ, Миробод тумани Агарда турар жойда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни истасангиз, сиз уни уй-жой фон- диндан чиқаришингиз керак бўлади. «Турар жойлар- ни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига қўра хона- донингиз 1-қаватда жойлашганлиги сизга бу ҳуқуқни беради.

Шунингдек, қуйидаги ҳолатларда турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказишга йўл қўйилмайдики, бунга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- турар жой белгиланган мақсадда фойдалани- ладиган коммунал уй-жой фондида бўлса;
- бундай ўтказиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқла- ри ва қўнун билан муҳофаза қилинадиган манфаат- ларини бузса;
- турар жойга алоҳида кириш жойи йўқ бўлса ёки ана шундай кириш жойи барпо қилиш имкони- яти бўлмаса;
- турар жой авария ҳолатида бўлса ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказишга яроқсиз бўлса;
- турар жойга нисбатан судда кўриб чиқиш мав- зуסי бўлса — низо суд тартибида ҳал этилганча.

Агарда унингиз билан боғлиқ ушбу тўсиқлар бўлмаса, у жойлашган худуддаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қавратилган мулкдорининг тегишли ари- зага билан мурожаат қилишингиз зарур. Мазкур аризага илова қилиб қуйидаги ҳужжатларни ҳам топ- ширишингиз лозим бўлади:

- ҳаммулкдорларнинг ва балоғат ёшига етган оила аъзоларининг нотариус тасдиқлаган розилик ҳужжати;
- турар жойга мулк эгаси ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- тегишли архитектура органларининг техник хулосаси;
- турар жойнинг техник инвентаризация кадастр бюроси тайёрлаган режаси;
- шаҳар (туман) санитария-эпидемиология, ар- хитектура хизматлари ва ёнгин назорати органлари

Ўзбекистон Давлат санъат музейида тошкентлик қўли гул хунармандлар яратган асарлар ўз нафислиги билан санъат мухлисларини мафтун этиб келмоқда. Тошкентликларнинг ишлари музейнинг Ўрта Осиё халқлари санъати бўлими залларидан муносиб ўрин олган.

Бўлимнинг археология топилмалари залида бир қанча сопол идишлар қўйилган: Булар IX-XX асрлар ораларида ишланган бўлиб, хумдонларда пиширилган лаган, пиёла, коса, хурмача ва бошқа буюмлар акс эттирилган. Идишларда ҳаворанг, жигаранг, сариқ ранглардаги безаклар сақланиб қолганлиги кишини ҳайратлантиради.

Бир лаганда қуш, гул ва дарахтлар тасвири, IX асрда яратилган сопол лаганда қолип кетаётган кийик тасвири жонланган. Демак, кулол фақат бирор буюмни ишловчи устагина эмас, балки моҳир расом ҳам бўлганлигидан далolat беради. Бу топилмалар Тошкентнинг қадимий жойлари «Минг ўрик» (музейнинг халқ санъати бўлими мудири, қадимшунос Дина Зилкер тўплаган), «Октепа», «Шоштепа» (Чочтепа ҳам дейилган) деган жойларида қазиб олинган, илмий жиҳатдан текширилган.

намоён, шу давр Тошкент ганчкорлиги асарлари ҳам шу ердан жой олган. Худди шу каби ганчкорлиги пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги «Лангар», «Қашкар», «Лабзак» ва бошқа маҳаллаларида ҳам учратганимиз.

Егочозлик санъати халқ меъморчилигига фойз киритган. Бу санъат ўймакорлик ва нақрошликка бўлинади. Заллардаги панжара, эшик, хонтахта ва усталарнинг номи ёзилган айрим буюмлар дид билан ишланган. Паргори, ислими усулларида баҳарилган ишлар орасида 1947 йилдаги уста Су-

ган, сопол коса, қаймоқ коса, норин товоқ, сопол қўзаларга ишланган нақшлар Тошкент тарихидан ҳикоя қилади. Муҳиддин Рахимов сулоласи томонидан сайқал берилган сопол буюмларнинг бири — лаганда халқ ҳаёти ифода этилган. Халқ қўшиқлари асосида яратилган.

Сопол лаганда ҳовуз, яшил дарахтлар акси ва балиқларни кўрамай. Булар сиртдан оддий нақшдек кўринса-да, аслида Тошкентда бир вақтлар ҳовуз кўп бўлганлигидан далolat беради. Кўҳна шаҳарда сув қувурлари бўлмаганлиги учун хонадон ва маҳаллаларда катта-кичик ҳовузли бўлган. Улар аҳолини сувга бўлган талабини қондирган, соясалқин билан таъминлаган. Шунинг учун ҳам бизгача «Сассиқ ҳовуз», «Катта ҳовуз» деган тарихий ном — атамалар етиб келган, шу кунгача сақланмоқда.

Буни доно халқимиз сира-сира унутгиси келмайди. «Сув бор жойда ҳаёт бор» деганларидек, тошкентликлар сув қадрига етишмоқда.

Музейнинг катта бир бўлимида каштачилик, мисгарлик, заргарлик, мөточилик санъати намуналари бор. Зардевор, палак, ёшлар, кексалар киядиган дўппи ва кийик, аёллар тақинчоқлари — зебгардон, гажак, буроки, тумор, зирак, биллакузук, узук, тиллақош, сочпоқ, рўзор буюмлари — кашкул (қопқоқчи чела), обдаста, мисбаркаш, мис кўза, сатил (норин қорадаган идиш), ўсмадон, сурмадон, чилчирок ва ҳоказолар ҳавасимизни уйғотади.

Ўтмишда Тошкент хунармандлари егоч дастгоҳларда хом сурп ва бўз матолар тўкиганлар. Матоларга ўймакор усталар тайёрлаган махсус нок дарахтидан ишланган қолипларда гулнақшлар босилган. Шундай қолипларнинг (музейда икки минг хили бор экан) энг мураккабларини бухорлик усталар тайёрлаб беришлари — тошкентликлар бошқа халқлар билан иноқ яшашларида санъатнинг хизмати катта бўлганлигидан далolat беради.

IX-XX асрлар ораларида яратилган тошкентликлар санъати, топилмалари намуналари билан танишган томошабинлар мамнун бўлмоқдалар.

Маҳмуд АХМЕДОВ,
санъатшунос

18 май — Халқаро музейлар куни

МУЗЕЙДА ТОШКЕНТ ТОПИЛМАЛАРИ

лаймон Хўжаевнинг олти киррали хонтахтаси, Ортик Файзуллаевнинг 1972 йилда паргори усулида устуни, Мақсуд Қосимовнинг михсиз, елимсиз ишланган йғма панжаралари томошабинда катта қизиқиш уйғотади.

Егочга гул солиш санъати-чи? Бу санъат тури Шарқ хаттолиги билан бир вақтнинг ўзида пайдо бўлиб, XV-XVI асрларда камолотга кўтарилган. Замонавий меъморчиликда ҳам бу санъат энг сезимли нақш турларидан бири бўлиб қолмоқда. Тошкент нақшошларидан Ёқубжон Рауповнинг нақши устуни, Олимжон Қосимовнинг хонтахталари, устоз нақшош Жалил Ҳакимовнинг ўзбек пахтаси тасвири туширилган столи (курси), ўқувчи-шоғирдлари учун тайёрланган нақш эскиз-андозалари санъат мухлисларини қувонтирмоқда.

Ҳозирги замон Тошкент кулолчилиги Ўзбекистон кулолчилиги санъати хонасида ўрин олиб, халқ санъатининг ўзига хос томонларини акс эттиради. Бу асарларда шаҳар тарихи жонланган, дейиш мумкин. Улар орасидаги ла-

Жамғармаларда

Маълумки, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳукуматимиз қарорлари ва Давлат дастурлари ҳамда ўз дастурлари доирасида жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида бир қанча тадбирлар ўтказмоқда. Ушбу йўналишда, яъни болаларимизнинг саломатлигини тиклаш борасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Жумладан, жамғарма узок йиллардан буён Корея Республикасининг бир қатор халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Жамғарма билан Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси ўртасида 2007 йилда имзоланган Ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида Ўрта Чирчиқ тумани болалар касалхонаси мукамил таъмирланди ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Шунингдек, 2007-2009 йилда республикамиздаги кам таъминланган оила фарзандларини олий ўқув юртиларида ўқиш учун шартнома тўлов пулини тўлаш бўйича Жанубий Кореянинг «KIF-1» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда «Тенг имкониятлар» лойиҳаси доирасида республикамиз бўйича жами 70 нафардан зиёд талабаларнинг ўқув шартнома пуллари тўланди.

Яна шунинг ҳам таъкидлаш керак, Кореянинг «JCI» Korea ташкилоти билан ҳамкорликда ўзбекистонлик бемор болаларни Корея давлатида бепул даволанишлари учун «Ориқ-сиз юрак» халқаро акцияси амалга оширилмоқда ва 2009 йилнинг июнь ойида 7 нафар ўзбекистонлик бемор болалар Корея давлатига даволаниш учун юбориладиган бўлди. Айтиш жоизки, сўнгги йилларда ўзбекистонлик 20 нафарга яқин юрак хасталиги билан оғирган бемор болаларимизда Корея давлатининг нуфузли клиникаларида бепул жарроҳлик операциялари муваффақиятли ўтказилиб юртимизга қайтишди.

Шу билан бирга Республикаимизнинг энг чеcca худудларида истиқомат қилувчи аҳолини чуқур тиббий қўриқдан ўтказиш, зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш каби мақсадлари кўзланган ҳолда замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган «Hyundai» русумидаги мобил клиникаси Корея халқаро соғлиқни сақлаш — Доктор Ли Жунг-Вук хотира жамғармаси томонидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига тақдим этилди. Бугунги кунда ушбу мобил клиника фаолиятини Тошкент вилоятидаги чеcca туманларда истиқомат қилувчи аҳолини чуқур тиббий қўриқдан ўтказмоқда.

Жамғарманинг Корея билан ҳамкорлик доираси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Буни биз кунчи кеча Корея Республикаси Президентининг юртимизга ташифи ва маъzur делегациянинг «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказган тадбирлардан ҳам яққол билишимиз мумкин.

Дилором ИКРОМОВА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда ихтисослаштирилган мактабларга эътибор

Пойтахтимизда ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган республика ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Бадиий академия вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиз халқ таълими бошқармалари, жойлардаги ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатларнинг раҳбарлари иштирок этди.



Ёшлар — келажакимиз

Илмий - амалий анжуман

Ёшларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни беқиёс. Давлатимиз томонидан уларга берилаётган юксак эътибор таҳсинга сазовор. Уларнинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни ва ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Биргина «Камолот» ЁИХ «Келажак овози» ташаббускорлари, касба уюшмалари фаолиятининг ўзида қанчалар куч мужассам. Илмга чанқок, маънавий тафаккури юксак, дунёқараши кенг талаба-ёшларни излаб, катта ҳаёт томон учирма қилиш тегшли жамоат ташкилотлари баробарида бевосита ёш авлодининг ҳам зиммасига юклатилган олий вазифалардандир.

Айнан шу эзгу ниятлар йўлида Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни ва роли» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси ва «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши ҳамда ЎзМУ томонидан ташкил этилган ушбу анжуман шуниси билан ҳам аҳамиятлики, унда

Ҳамкорлик

МИЛЛИЙ РАҚСЛАР НАМОЙИШИ

Санъат — халқлар ўртасида бир-бирини тилсиз тушунадиган воситадир. Юртимизда меҳмон бўлган Корея Республикаси делегацияси ҳамда ўзбекистонлик санъаткорлар иштирокидаги хайрия концерти ҳам буни яна бир бор исботлади.

Корея Республикаси делегацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган бу тадбир, айниқса, юртимизда истиқомат қилаётган корейс миллиати учун жуда қувонарли ҳол бўлди. Муодофаа вазирлигига қарашли Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган концерт дастурида «Ўзбегим ёшлари» ансамбли ва «Миллий Корея

рақслари» ансамбли санъаткорлари ўзларининг энг сара рақслари, қўшиқлари билан қатнашдилар. Икки қардош халқ, икки маданият Ҳамкорликдаги ўтган тадбир ўзбек миллий доира садолари остида бошланди. «Ўзбегим ёшлари» ижросидаги «Доира», «Қўғирчоқ» рақслари, юртимиз меҳмонлари хайратини ошириб, олқишларга сазовор бўлган бўлса, «Миллий Корея

рақслари» ансамбли ижросидаги ажайиб миллий рақслар барчага бирдек манзур бўлди. Санъат ва маданият байрамига айланган кетган бу хайрия концерти санъатсевар, меҳмондўст халқларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга яна бир бор замин яратди.

Дурдона МАХСУДОВА
СУРАТДА: хайрия концертидан лавҳа

ХОРИЖДАН ФОТОНИГОҲ: СУРАТЛАРДА АКС ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН

Япония ва Италияда Ўзбекистонга бағишланган рангли суратлар билан безатилган иккита китоб босмадан чиқди.

Япониянинг болалар ва ўсмирлар адабиётини нашр қилишга ихтисослашган «Poplar Publishing» наشريёт компанияси томонидан «Ўзбекистон» деб номланган китоб чоп этилди. Ушбу нашр «Дунё мамлакатлари» туркумидаги тўпламларнинг ўттиз олтинчиси ҳисобланиб, Япониядаги мактаблар ва кутубхоналарга тарқатилади. Ундан Ўзбекистон тарихи, маданияти, ўзбек халқининг анъана ва удумлари муҳрланган кўплаб суратлар ўрин олган. Китоб асосан тўртта: мамлакат ҳақидаги географик маълумот, ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуши, дини ҳамда тарихий-маданий мероси бўлимидан иборат. Мазкур китобнинг нашр этилиши, шубҳасиз, Япония ва Ўзбекистон халқларининг дўстлик ва ўзаро англашув руҳини янада мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир қадам бўлди.

Ўзбекистонга бағишланган бошқа бир китоб Италияда дунё юзини кўрди. Италиялик таникли олим, фалсафа фанлари доктори А. Калифано «Ўзбекистон аёллари» деб номланган китобини босмадан чиқарди. Унда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Нукус, Фарғона, Марғилон, Термиз каби Ўзбекистон шаҳарлари тасвирланган суратлар тўплами ва уларга сабақчининг қайдиари ўрин олган. Фотосуратлар ўзида ҳар бир шаҳарнинг бетакрор уйғун ранглари акс эттиради ва уларда истиқомат қилаётган оддий одамлар, хусусан аёллар ҳақида ҳикоя қилади.

А. Калифано ўз китобида таъкидлашча, Ўзбекистонда аёллар оиланинг бутунлигини сақловчи ва қадимий миллий анъаналарни асраб-авайлаб авлодлардан авлодларга етказиб беравчи ҳисобланади. Ўзбек аёли ибодатчи, хулқ-атворининг мулозимлиги, айни пайтда қатъиятлиги билан ўзига хосдир. Аёл ўз ҳаётини энг аввало уйига, оиласига бағишлайди. Ўзбекистонда оила замонавий жамиятда муҳим аҳамият касб этадиган алоҳида кичик бир олам бўлиб, унда гўзал аёллар фахрий ўринини эгаллайди.

Суратли китобдаги Тошкент мавзусидан 1966 йилги зилзиладан омон қолган қадимий бинолар ва музейлар, оби нон сотиладиган ва янги картиналар сотувга қўйилган галерея ўрин олган кичкина бозорча тасвирланган. Барча суратларда аёллар сиймоси акс эттирилган. Миллий либослардаги ёки замонавий кийинган, ишлаётган ёки дугонаси билан суҳбатлашиб турган аёллар...

2006-2008 йиллар давомида ЮНЕСКОнинг маданий тадбирларини ташкил этиш доирасида Ўзбекистонда бир неча бор бўлган А. Калифано ўз китобида ҳар гал мамлакатимизга келганида ва тарихий шаҳарларимизни қўриганида уларнинг салобатидан қайта-қайта ҳайратга тушиши ва янги-янги таассуротлар олишини қайд этади. Шунингдек у қадимги меъморий ёдгорликларни асраш ва қайта тиклаш борасида давлат томонидан олиб борилаётган ишларни ҳам алоҳида таъкидлайди. «Мен жуда кўп мамлакатларда бўлганман, бироқ ўз тарихий меросини авайлаб-асрашга бўлган бундай муносабатни кўриш ҳали менга насиб этгани йўқ» — деб ёзади муаллиф.

«Жаҳон» АА

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси Солиқ академиясида иқтисодиётни модернизациялашда солиқ сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этишда солиқ механизмларининг ўрнига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида белгилаб берилган асосий йўналишларга бағишлаб ташкил этилган анжуманда академия профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари, иқтисодчи олим ва мутахассислар, тадқиқотчилар иштирок этмоқда.

Мазкур академия биринчи проректори Н.Обломуродов ва бошқалар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан солиқ тизимини такомиллаштириш ва унификация қилиш борасидаги изчил чора-тадбирлар жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Жаҳон таърибаси ва мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт модели асосида ишлаб чиқилган ва 2008 йилнинг 1 январидан қучга кирган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини қучайтиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатининг эркин ривожланишида солиқ имтиёзларининг роли катта.

Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида ва Инқирозга қарши чоралар дастурида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлашда солиқ юкини камайтириш ва имтиёзлар бериш бўйича тегишли вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг ижроси солиқ тизими ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Икки кун давом этадиган анжуманда солиқ сиёсати самарадорлигини ошириш, бухгалтерия ҳисоби, банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадларига бағишланган маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Х.БЕРДИЕВ

Назозат УСМОНОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Ўз Ватанингни фарзанди бўл, қадрдон тупроқ билан чамбарчас боғлиқлигингни теран ҳис қил, унга фарзандона муносабатда бўл, ундан нима олсанг, юз ҳисса ортиғи билан қайтар.

Ватанпарвар — ўз Ватани камолоти йўлида, ўз халқига муҳаббати туфайли эзгуликлари тугул, жонини ҳам аямайдиған инсондир, халқи ва Ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи инсондир.

Фароғат манзилига эришмоқ бўлсанг агар, Бор қаноат дорига нафсингни бўғзингдан ос.

Ҳаромдин тортгил қўлинг гийбатдан тийгин тилинг.

Икки ишқ бир кўнгилдан ҳеч жой тутмас баробар.

Учма ўткинчи зебга, фоний зийнат не даркор.

Топган-тутганингни мискинларга харж айла, Умринг узоқ бўлса ҳам охири ўлим бордир.

Юнус, сен ўз айбингни, ўйлагил, бошқани кўй, Бировларнинг айбига сен қарама ёзқидир.

Дунёга ишонгайсан, ризқни меники дейсан, Нега ёлгон сўзлайсан, ҳеч айтганинг бўлмас.

Келинлар, дўст бўлайлик, ишни осон қилайлик, Севайлик, севилайлик дунё ҳеч кимга қолмас.

Кишиким кишининг қаҳрин келтирса, Узоқроқ кетгани авло назардан.

Гавҳар деганлари илму ҳунардир, Ҳунар афзал эрур дурру гухардан.

Илму амал не фойда бир кўнгулни ранжитсанг.

ФЕРУЗ

Фароғат истаган чиқсун жаҳондин, Топилмасдур тирикликда саломат.

Маломат тошидин озурдадурлар, Бу кўхна дайрда ахли фаросат.

Қаноат бирла сабр ўлса санга иш, Ҳар ишда қилмабунг ҳаргиз надомат.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Куни кеча Қизил Ярим Ой жамиятининг Ҳамза туман бўлими томонидан мактаб ва коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» деб номланган мусобақа ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсад йўлида ташкил этилди.

Тумандаги 28 та мактаб ва Автосозлик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари фаол қатнашган ушбу мусобақада сафда туриш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, доривор ўсимликлар ва уни қўллаш, Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти, йўл ҳаракати қоидалари, транспорт йўл ҳаракатидан жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва эркин мазза каби шартлар бўйича ўзаро беллашди.

—Ўқувчи- ёшлар анъанавий

Мусобақалар

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

Кейинги йилларда ёш авлоднинг соғлом ўсиши, ўқувчи-ёшларни санитария-гигиена асослари ва биринчи тиббий ёрдам бериш, йўл ҳаракати қондалари ва ҳуқуқий онгларини ошириш бўйича билимларга ўргатиш, фавқулодда ҳолатларда ўқувчиларнинг ўзини тутта билишлари, биринчи ёрдамни вақтида бера олиш, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамияти тарихи ва фаолияти ҳамда Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқлари ва билимларини ёшлар орасида тарғибот қилиш мақсадида турли мавзуларда учрашувлар, тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

тарзда ўтказилиб келинадиган ушбу мусобақага катта тайёргарлик кўришади, —дейди биз билан суҳбатда Қизил Ярим Ой жамияти Ҳамза туман бўлими Кенгаши раиси Санобархон Актабаева.— Йилдан- йилга ушбу мусобақага бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Барча умумтаъ-

лим мактабларида санитар постлари ташкил этилиб, улар маҳсул 28 соатлик дастур асосида ўқитилади. Мақсадимиз ўсиб келаётган ёшларни ҳар томонлама билимли ва соғлом бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшишдир. Фурсатдан фойдаланиб ҳар йили ушбу мусобақани юксак савияда

ва кўнгилдагидек ўтказишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Автосозлик касб-ҳунар коллежининг Қобул Йўлдошев бошчилигидаги жамоасига ва «Султон-сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбариятига катта миннатдорчилик билдириб ўтишни лозим деб биламан.

Туман халқ таълими бўлими, туман худудий тиббиёт бир-лашмаси каби бир қатор ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ташкил этилган ушбу мусобақада галаба қозонишга астойдил интилган 166-умумтаълим мактаби санпостчилари голиблик шохсупасини забт этиб, шаҳар биринчилигида беллашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Деворий газеталар кўрик- танловида эса 231- умумтаълим мактаби ўқувчилари биринчи ўринни эгалладилар.

Катнашчи ва меҳмонларнинг қўллаб- қувватлашлари билан жуда қизиқарли ва таассуротларга бой тарзда ўтган ушбу мусобақада наинки голиблар, балки барча иштирокчилар мутасадди ташкилот томонидан эсдалик совғалари билан рағбатлантирилдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Спорт янгиликлари

ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Чехияда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича уюштирилган жаҳон кубогининг биринчи босқичида Ўзбекистон терма жамоасига битта олтин, иккита кумуш медаль nasib этди.

Каноэда эшкак эшиш бўйича Пекин олимпиадаси иштирокчиси, Осиё чемпиони Вадим Меньков 500 метр масофагача бўлган баҳсларда маррага биринчи бўлиб етиб келди ва олтин медаль эгасига айланди. Айни пайтда у 1000 метр масофагача бўлган баҳсларда иккинчи ўринни эгаллади.

Тўртликлар ўртасида ўтказилган беллашувларда ҳамюртларимиз — Вадим Меньков, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев ва Мерей Медетовларга иккинчи ўрин nasib этди.

ЕСИМБЕТОВ — СОВРИНДОР

Тунисда дзюдо бўйича уюштирилган Гран-при мусобақаси Ўзбекистон терма жамоасига бронза медални туҳфа этди.

Гап шундаки, ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Гамбит Есимбетов 60 килограммгача бўлган спортчилар орасида учинчи ўринни эгаллади ва

Эл осойишталигини таъминлашда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ҳар соҳадаги каби бу тизимда ҳам ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш афзаллигини фуқаролар ўртасида муттасил тушунтириб келаётган Мирзо Улугбек тумани ИИБ ЁХБ ходимлари йилдан-йилга «тилсиз ёвни кўпроқ жилловлашга эришиб келмоқда.

«01»

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИНИ КЎРГАН АФЗАЛ

Масалан, 2008 йилнинг биринчи чорагида 94 марта ёнғин содир бўлган бўлса, жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 41 марта шундай бахтсиз ҳодиса юз берди.

Фактлардан кўриниб турибдики, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тушунтириш, профилактика ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Дарҳақиқат, туманимиздаги мавжуд корхона ва муассасаларда, жамоат жойларида ёнғин хавфи ва унинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари доимий амалга ошириб келинади.

Бўлимимиз инспекторлари ҳар чорақда тумандаги барча хонадонларда бўлишиб, уларда ёнғин хавфсизлиги чоралари қанчалик таъминланган-

лигини текшириб чиқади-лар. Бундай «Хонадон» тадбирлари бир йил давомида 4 марта ўтказиб турилади. Бундан ташқари, маҳаллаларда ёнғин хавфсизлиги бўйича тарғибот бурчаклари ташкил этилган.

Айниқса, кўп одам тўпланадиган улғуржи, деҳқон, кийим-кечак бозорларида баланд овозли эшиттириш ускуналари воситасида ёнғиннинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилаётган.

Қисқасини айтганда, бутун мақсадимиз, саъй-ҳаракатларимиз халқимизни ёнғин балосидан асраш чораларига қаратилгандир.

Ақром ЖАББОРОВ, Мирзо Улугбек тумани ИИБ ЁХБ инспектори, капитан

бронза медали билан тақдирланди. 2008 йили уюштирилган халқаро турнирда ҳам ҳамюртимиизга учинчи ўрин nasib этган эди.

ЗАФАР КҮЧИШДИ

Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуасида теннис бўйича уюштирилган «Девис Кубоги» мусобақаларининг Осиё ва Океания минтақаси саралаш ўйинларида Ўзбекистон ва Япония терма жамоалари ўзаро куч сынашди.

Норасмий жаҳон чемпиони ҳисобланган ушбу турнирда Ватанимиз шарафини Денис Истоминон, Фаррух Дўстов ва Мурод Иноятовлар муносиб ҳимоя қилишди. Дастлаб япониялик Юичи Сугицага қарши кортга чиққан Денис Истоминон рақибидан 6/3, 6/2, 6/2 ҳисобида устун келган бўлса, Тацума Ито-Фаррух Дўстов ўртасидаги баҳс ҳам ҳамюртимиизнинг 6/4, 6/3, 3/6, 6/3 ҳисобидаги галабаси билан яқунланди.

Жуфтлик баҳсларида Денис Истоминон ва Фаррух Дўстов Сатоши Ивабучи ҳамда Такао Сузуки жуфтликга қарши куч сынашди ва яна ҳамюртларимиз зафар кучишди. Мурод Иноятов эса Татсума Итогага, Важа Узоқов Такао Сузукига қарши кечган беллашувларида имкониятни бой бериб қўйишган бўлсаларда, умумий натижаларга кўра ҳамюртларимиз 3:2 ҳисобида галаба қозониб жаҳон гуруҳининг плей-офф босқичига йўллангани қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)



Қатралар

ҚАЛБ ҚУЁШИ

Бир яхшилик эвазига севинсам борлиқ қулиб боқайт-гандек. Тунд одамдан хафа бўлсам-чи? Табиат ҳам кўзимга галати туялди.

— Одамлар мендан яйраб қулса, нечун сенинг қовоғинг солиқ? — дейди шунда табиат.

— Чиройингни ҳис қилолмасам не қилай? — дейман чимрилиб.

— Қуйимдан завқ олаётгандирсан? — сўрайди гулдан гулга кўниб сайраётган булбул.

— Йўғ-е, дейман, — о, маза қилиб эшитаяпман, — дейиш ўрнига.

— Олпоқ гулларимдан кўзинг қунаётгандир, — дейди менга ўрик шохлари хиёл силкиниб.

— Қуёнаганда қандоқ? — дейишга озгим бормайди.

— Нурларим кўнглингда илиқлик солмаяптими, — жилва қилади баҳор қуёши.

«General Motors» компанияси «Segway» ишлаб чиқарувчиси билан янги турдаги электр скутер ишлаб чиқаришди. У икки гилдирак ва ўриндикдан иборат.

Бу электромобиль тез ва хатарсиз ҳаракатланишни таъминлаб, катта шаҳарларга мўлжалланган. Ундан ташқари, кам ҳаражат ва экологик тозадир. «PUMA» лойиҳаси катта шаҳарлардаги транспорт ҳаракатини тартиблаб, йўл ҳалокатларини камайтиради. Скутерга литий-ион батареяси ва иккита электр мотор ўрнатилган. У соатига 50 километрга етган. Электромобиль ҳаражати буғунги кунда автомобиль ўртача талаб қиладиган ҳаражатининг учдан бирини ташкил этади.

«General Motors» вице-президенти Ларри Бернс мазкур электромобиль компаниянинг энг тежамли машиналарини ишлаб чиқарувчи номини тиклашда қўмақла-

— Билломайпман. — Қалбинг шунчалар музми? — деса, Қуёш ҳақли, дейман ичимда. Ниҳоят хулқи хуш дўстимнинг қалб қуёшидангина кўнглим илб ёришди. Баҳор ишваси ҳам менга ёқимли, гўзал бўлиб туола бошлади.

БОҒБОН БАХТИ

Баҳорнинг илк чоғи тунда бемаврид эсанг совуқдан хавотирланиб, тонгда ёш ниҳолларимни қузатаман. Эндигина чиқарётган барглари учини совуқ хиёл қорайтирибди. Хайрият. Тўққан қуртаклар омон экан. Режам шу йилги амалга ошади. Ҳосил нишонаси ёмонроқ бўлса, унга яхши навини улайман. Баргларни совуқ урса, қайтадан барг чиқади. Куртакларга эса умр йилда бир марта берилади.

Боғбоннинг бахтини, режали меҳнатини белгилловчи қуртаклар бевақт сўнмасин.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Ҳар тўғрида

«PUMA» тўсиқларни четлаб ўтиш мосламаси — GPS билан таъминлангани учун ҳаво қоллари ва бошқа одатий хавфсизлик воситаларисиз бўлади. Хавфсизлик камари эса қулайлик учунгина қолдирилади. Ҳозирча электромобилини ишлаб чиқариш қачон бошланиши номаълум.

Бразилияликлар сериалларга бўлган ҳаддан ташқари қизиқишлари туфайли мамлакатда кейинги 20 йил ичида тугилиш кўрсаткичи 3 миллион кишига камайиб кетган. Бундан ташқари айнан сериаллар сабаб ажралишлар сони кескин ошиб кетган. Бразилиялик тадқиқотчилар 1971 йилдан 1991 йилгача бўлган демографик маълумотларни таққослаб чиқишди. Маълум бўлишича сериал намоиш этиладиган

ҳудудда тугилиш бошқа жойларга нисбатан кам ва оила бузилиши ҳолатлари кўп. Ҳаммаси бўлиб, олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, кейинги 20 йил давомида мамлакатда 3 миллион бола кам туғилган ва 800 миң ажралиш бўлган. Буларнинг барчасига сериаллар сабабчи! Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, омма томонидан севиб томоша қилинаётган машҳур сериал бош қаҳрамони асар сюжетига кўра ўз турмуш ўртоғи ёки севилиши билан ажрашса, демак сериал намоиш этилаётган ҳудудда ҳам ажралишлар ўртача 0,1 фоизга ошади. Бу кўрсаткич жуда камдай бўлиб кўриниши мумкин, аммо Бразилия аҳолиси 190 миллион эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! 2009 йил 9 июнь куни соат 11.00 да тақдоран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд икромчилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилоти судининг 15.10.2007 йилдаги 2-152-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани 3-мавзе, МЧЖ «Шахстрэнс Хизмат» 80-сонли автомашиналарни саклаш жойида сакланаётган, «Мерседес-Бенц Е-200» русумли, д/р 30R1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—46 202 400 сум. Мазкур автотранспорт воситаси билан тегишли суд икромчилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда катнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилгандаги закатат келишуви асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини тўлов ҳужжатда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИКС «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги куйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов т. М.Уразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Савдоларга марҳамат!

Ҳурматли тадбиркорлар! Тошкент шаҳар худудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган: 269-14-45, 262-92-42 Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

Олий хўжалик суд видеокузатув ва турникет мосламаларини ўрнатиш бўйича қайтадан тендер эълон қилади. Тижорат тақлифлари эълон қилинган кундан бошлаб 20 кун ичида, охириги вақти соат 17.00 га қадар қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота-6. тел: 273-72-30, факс 277-14-16.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Тошкент қурилиш касб-ҳунар коллежи томонидан 2005 йил 20 июнда Исроилов Даврон Сунатгуллаевич номига берилган К№284466 рақамли, 203 рўйхат рақамли диплом йўқланганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (3712) 233-21-56. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. 1 56